

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

18 март 2018 й.г. № 205

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали
фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Сўнги йилларда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича амалга оширилган ислохотлар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари сезиларли даражада ошишига эришилди.

Айниқса, аҳоли томонидан хонадонларда барпо этилган иссиқхоналарда лимон етиштириш, 100 бошдан товуқ боқиш ташкил қилиниши натижасида 2017 йилнинг ўзида кўшимча 1,2 минг гектар майдонда лимонарий барпо этилди, 32 минг хонадонга 3,2 млн. та 90 кунлик товуқ тарқатилиб, 2,3 млн. дона тухум етиштиришга эришилди. Шунингдек, грек ёнғоғи, унаби каби инсон саломатлиги учун фойдали мевали кўчатлар экиш ташкил қилинди.

Шу билан бирга, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланишда қатор муаммо ва камчиликлар кузатилмоқда. Хусусан:

муайян экин тури, парранда ёки чорва молларини парваришlashдаги аҳолининг хоҳиши, тажрибаси ва шароити ҳисобга олинмаган;

тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда экинларни жойлаштириш, талаб қилинадиган уруғлик, ўғит, ўсимликларни химоя қилиш воситалари билан таъминлаш тизими самарали ишламади;

томорқа ер участкаларида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш, олдиндан шартнома тузиш ва аванс тўловини кафолатли амалга оширишда молиявий таъминот масалалари охиригача ўз ечимини топмаган;

хонадонларда парваришланаётган парранда, чорва молларини касалликларга қарши эмлаш, зарур миқдорда ем ва эмлаш препаратларини етказиб бериш хизматлари тўлақонли йўлга қўйилмаган.

Энг асосийси, фуқароларнинг ўзларига бириктириб берилган томорқа ерларидан кўшимча даромад манбаи сифатида фойдаланишдаги эътиборсизлиги, ердан фойдаланиш маданиятининг тўлақонли шаклланмаганлиги, соҳага оид қонунларда ердан хўжасизларча фойдаланиш ҳолларига нисбатан жавобгарлик механизми қатъий белгиланмаганлиги натижасида мавжуд 445 минг гектар томорқа ер участкасининг 18,9 минг гектаридан самарасиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ–3318-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқа ер участкасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва томорқа ер участкасидан олинadиган даромадларни янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ;

Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларига қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, экиш ва парваришlash, шунингдек, зарур моддий ресурслар етказиб берилишини мувофиқлаштирувчи республика ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда Республика ишчи гуруҳи деб аталади) таркиби 2-иловага мувофиқ;

Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларига қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, экиш ва парваришlash, шунингдек, зарур моддий ресурслар етказиб берилишини мувофиқлаштирувчи республика ишчи гуруҳи аъзоларига бириктирилган ҳудудлар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика ишчи гуруҳига (Мирзаев, Нарбаева) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда:

мазкур қарор билан тасдиқланган Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низом талабларининг тўлақонли бажарилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатиш;

деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда зарур бўлган ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар, ўсимликларни химоя қилиш воситалари, сифатли уруғлик ва кўчатларни ҳамда чорва моллари ва паррандалар учун озуқаларни жойларда (маҳаллада) сотиш ишларини ташкил этиш;

томорқа ер участкаларига қишлоқ хўжалиги экинларини оптимал муддатларда экиш, парваришlash, зараркундалар, касалликлар ва бегона ўтларга қарши курашиш ҳамда боқиладиган чорва моллари ва паррандаларни эмлаш тадбирларини амалга оширишда соҳага оид илмий-текшириш институтлари, олимлар ва тажрибали аграрномларнинг амалий ёрдамларини ташкил этиш;

деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида етиштирилган ҳосил ёки маҳсулотларни сотиб олишнинг кафолатланган механизмини йўлга қўйиш мақсадида тайёрлов, қайта ишлаш ва экспорт қилувчи ташкилотларни аниқ ҳудудларга бириктириш;

деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилишини мониторинг ва таҳлил қилиб бориш, умумлаштириш ва ҳар ой якунида кейинги ойнинг 5-санасигача камчиликларни бартараф этиш ва тизимни такомиллаштиришга доир Вазирлар Маҳкамасига маълумотлар ва таклифларни киритиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши қишлоқ ва овулларга сифатли уруғ ва кўчатлар етказиб бериш ишларини амалга ошириш, бунинг учун доимий ҳамда мавсумий ҳаракатланувчи савдо дўконларини ташкил қилишга шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

4. “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун зарур бўлган минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини жойларга етказиб бериш орқали деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига пуллик хизматлар кўрсатилишини ташкил этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида экишга мўлжалланган мевали ва манзарали кўчатларни қишлоқ ва овулларда сотиш чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан ҳамкорликда оммавий ахборот воситалари орқали деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишнинг илғор тажрибалари ва иқтисодий фойдаси тўғрисида махсус кўрсатув ва эшиттиришларни мунтазам равишда ташкил этсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Т. Мирзаев ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 18 мартдаги
205- сон қарорига
1-илова

**Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали
фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини
юретиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида (кейинги ўринларда томорқа ер участкалари деб аталади) қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, парранда ва чорва молларини парвариш қилиш, мевали ва манзарали дарахтлар экиш ишларини тизимли ташкил этиш ҳамда томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш мониторингини юретиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

деҳқон хўжалиги – оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжалик;

томорқа ер участкаси – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини эркин савдо ҳамда оила эҳтиёжлари учун етиштириш, шунингдек, якка тартибдаги уй-жой қурилиши ҳамда уй-жойни ободонлаштириш мақсадида оила аъзоларидан бирига умрбод эгалик қилиш учун мерос қилиб қолдириладиган қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ўлчамларда ажратиб бериладиган ер участкаси;

тўқсонбости экинлари – навбатдаги йилда эрта ҳосил етиштириш учун кеч кузда (ноябрь ойининг учинчи ва декабрь ойининг биринчи ўн кунлиги оралиғида) совуқ ва намгарчилик бошланмасдан олдин экиладиган совуққа чидамли сабзаот экинлари;

улгуржи истеъмолчилар – тайёрловчи, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар;

эртаки (эртапишар) экинлар – ҳудудларнинг табиий тупроқ-иқлим шароитлари ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда, қиш ва эрта баҳорда экиладиган картошка, сабзаот, полиз ва бошқа экинлар;

ўртаки (ўртапишар) экинлар – суғориладиган ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва қўшимча ҳосил олиш учун тўқсонбости усулида ва эрта баҳорда экилган экинлардан бўшаган майдонларга такрорий экин сифатида экиладиган картошка, сабзаот, полиз ва бошқа экинлар.

3. Томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини юритиш ушбу Низомнинг 1-иловасидаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Томорқа ер участкаларида экиладиган экинлар ҳамда боқиладиган чорва моллари ва паррандалар сонини ўрганиш ва прогноз кўрсаткичларни шакллантириш, тасдиқлаш ҳамда ижрога қаратиш тартиби

4. Туман ҳокимининг қарорига мувофиқ томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш ҳолатини ўрганиш бўйича туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг раиси бошчилигида ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда–ишчи гуруҳ деб аталади) ташкил этилади.

Ишчи гуруҳ таркибига туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади), туман қишлоқ хўжалиги бўлими, туман сув хўжалиги бўлими, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими, профилактика инспектори, туман касаба уюшмалари, хотин – қизлар кўмитаси, туман бандликка кўмаклашиш маркази, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгаши, туман давлат солиқ инспекцияси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар вакиллари киритилади.

Ишчи гуруҳ ўз ишларини самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 8 августдаги ПҚ–3182-сон қарори билан ташкил этилган секторлар кесимида бўлиниб, иш олиб боради. Сектор раҳбарлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ишчи гуруҳ фаолиятининг самарали олиб борилиши учун барча шароитларни яратишга масъулдир.

5. Ишчи гуруҳ томонидан ҳар йили декабрь-январь ойларида хонадонма-хонадон юриб томорқа ер участкалари майдонлари, тупроқ-иқлим шароити ва сув таъминотидан келиб чиқиб экин турлари, мевали дарахтлар тури ва сони, чорва моллари ва паррандалар сони, шунингдек, уларнинг йил давомида томорқа ер участкасида (эртаки, ўртаки ва тўқсонбости) етиштирилладиган маҳсулот турлари ва сотиш ҳажмлари ҳамда иссиқхона барпо этиш, чорва моллари ва парранда боқишга бўлган хоҳиши ўрганиб чиқилади.

Ишчи гуруҳ томонидан ҳар бир ўрганилган хонадон бўйича ушбу Низомнинг 2-иловасидаги шаклда маълумотнома тўлдирилади ва Кенгашга тақдим этилади.

6. Ишчи гуруҳ томонидан тақдим этилган ўрганиш натижалари Кенгаш томонидан умумлаштирилади ва фуқаролар йиғини кесимида тайёрланган маълумотларни туман ҳокимига 10 февралгача тақдим этади.

Тақдим этилган маълумотлар туман ҳокими томонидан ўрганиб чиқилади ва 15 февралгача томорқа ер участкалари кесимида етиштириладиган экин ва маҳсулот турлари, уларни сотиш ҳажмлари, шунингдек, иссиқхоналар барпо этиш, мевали ва манзарали дарахтлар экиш ҳамда чорва моллари, паррандалар сотиб олиш прогноз кўрсаткичларини (кейинги ўринларда прогноз кўрсаткичлар деб аталади) тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашига тасдиқлаш учун киритилади.

7. Халқ депутатлари туман кенгаши 20 февралгача туман ҳокимининг прогноз кўрсаткичлар тўғрисидаги қарорини ўз сессиясида кўриб чиқади ва тасдиқлайди.

8. Халқ депутатлари туман кенгашининг сессиясида тасдиқланган туман ҳокимининг прогноз кўрсаткичлар тўғрисидаги қарори нусхаси сектор раҳбарлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан 1 мартгача қарорда назарда тутилган деҳқон хўжаликлари бошлиқларига ва томорқа ер эгаларига уларнинг олганлигини тасдиқловчи имзо қўйдирган ҳолда етказилади.

3-боб. Томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш

9. Томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида сектор раҳбарлари қуйидагиларни амалга оширадилар:

томорқа ер участкасини шудгорлаш, экишга тайёрлашда пулли хизматлар кўрсатишни йўлга қуйиш;

томорқа ер участкалари учун уруғлик, кўчат, зарур минерал ўғит, кимёвий воситалар ҳамда чорва моллари ва паррандаларга озуқаларнинг жойида (махаллада) доимий савдосини, шунингдек, кўчма дўконлар орқали сотилишини ташкил этиш;

олдиндан тўлов амалга оширилган ҳолда экин турларини парваришлаш учун зарур моддий техник ресурсларни етказиб бериш, мевали ва манзарали дарахтларга шакл ва кимёвий ишлов беришни ташкил қилиш;

чорва моллари ва паррандаларга пулли зооветеринария хизматлари кўрсатиш тизимини йўлга қуйиш;

иссиқхоналар барпо этиш, чорва моллари ва паррандалар харид қилиш ва бошқа зарур эҳтиёжлар учун молиявий кўмак (шу жумладан, банк кредитлари) берилишида ҳамда зарур материаллар таъминотида амалий ёрдам беришни ташкил этиш.

10. Кенгаш томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишда юзага келаётган муаммо ва камчиликларни мунтазам ўрганиб боради ва тегишли маълумотларни тайёрлаб туман ҳокимига тақдим этади.

4-боб. Томорқа ер участкаларида етиштирилган маҳсулотлар ҳисобини юритиш ва уларнинг сотилишини ташкил этиш

11. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томорқа ер участкаларида етиштирилган маҳсулотлар, шунингдек, боқиладиган чорва моллари ва паррандаларнинг аниқ ҳисобини юритиш мақсадида экинлар, маҳсулотлар ҳажми, сотилган, экспорт қилинган ва ички истеъмол учун қолган миқдорлари тўғрисида ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар Кенгашга ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ маълумот тақдим этади.

Кенгаш томонидан томорқа ер участкаларида етиштирилган маҳсулотлар ҳажми, шунингдек, ички истеъмолдан ортиқча қисмини сотиш бўйича туман ҳокимлигига маҳаллалар кесимида маҳсулот ҳажмлари кўрсатилган тақдимномалар киритиб борилади.

Томорқа ер участкаларида етиштирилган маҳсулотларнинг ички истеъмолдан ортиқча қисми сотилишини ташкил этиш мақсадида сектор раҳбарлари томонидан улгуржи истеъмолчи ташкилотларни, уларнинг хоҳишига кўра, ҳудудларга бириктириш ва улар томонидан томорқа ер участкаларида етиштирилган маҳсулотларни қабул қилиш шохобчаларини ташкил қилишни йўлга қўйиш, бозор маъмурияти билан эса етиштирилган маҳсулотни бевосита бозорда сотиш тўғрисида шартномалар тузилишини тизимли равишда ташкил этилади.

Шунингдек, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида хатловга биноан кўзланган мева кўчатлари ва сабзовотлар экиш учун зарурий кўчатлар ва уруғликлар етказиб бериш ва парваришлаш давомида агротехнологик хизматлар кўрсатиш, етиштирилган маҳсулотларни тўловини амалга оширган ҳолда йиғиб олиш ҳамда заҳирага, қайта ишловчига, экспортёрларга етказиб берувчи томорқа–хизмат тузилмалари ташкил этилиши мумкин.

12. Улгуржи истеъмолчи ташкилотлар томонидан деҳқон хўжаликлари бошлиқлари ва томорқа ер эгаларидан харид қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турлари юзасидан ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар Кенгашга ва туман қишлоқ хўжалиги бўлимига ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ маълумот тақдим этиб боради.

13. Томорқа ер участкаларида боқиладиган чорва моллари ва паррандаларга кўрсатилган ветеринария хизматлари юзасидан туман ветеринария бўлими, минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар билан таъминлаш юзасидан “Агрокимёхимоя” АЖ туман филиали ва бошқа хизмат кўрсатувчи ташкилотлар деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига кўрсатилган хизматлар юзасидан ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасигача Кенгашга ҳамда туман қишлоқ хўжалиги бўлимига тегишли маълумот тақдим этиб боради.

5-боб. Томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш мониторингини юритиш ва натижаси юзасидан чоралар кўриш

14. Ишчи гуруҳ аъзолари сектор раҳбарлари билан биргаликда хонадонма-хонадон юриб туман ҳокимининг прогноз кўрсаткичлар тўғрисидаги қарорининг томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжалиги бошлиғи томонидан бажарилиши мониторингини амалга оширади.

Мониторинг ишларини ўтказиш, қоида тариқасида, экиш (март-апрель, август-сентябрь, ноябрь-декабрь ойлари) ва парваришлаш даври бўйича белгиланади.

15. Томорқа ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлиги мониторингини юритиш жараёнида ишчи гуруҳнинг талабига биноан бошқа ташкилотлардан мутахассислар жалб этилиши мумкин.

16. Мониторинг натижасида экин ерларидан мақсадли ва самарали фойдаланиб, туман ҳокимининг прогноз кўрсаткичлар тўғрисидаги қарорида белгиланган экин турларини тўлиқ эккан, агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли бажарган, йилида камида икки ёки уч марта юқори ҳосил олган ҳамда томорқани ободонлаштирган, чорва моллари ва паррандаларнинг бош сонини сақлаган ва кўпайтиришга эришган томорқа ер эгасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ПҚ-3454-сон қарорининг 28-бандида назарда тўтилган солиқ имтиёзларини қўллаш сифатида ер солиғи ставкасини пасайтирувчи коэффициентини қўллаш бўйича, ишчи гуруҳнинг маълумотномаси асосида, Кенгаш томонидан ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 15-санасигача туман ҳокимига ушбу Низомнинг 5-иловасига мувофиқ таклиф киритилади.

Туман ҳокими Кенгаш раиси билан биргаликда мазкур томорқа ер участкаси эгасига:

жорий йил учун ер солиғи бўйича имтиёз бериш юзасидан туман давлат солиқ инспекциясига тақдимнома киритади;

“Меҳнаткаш деҳқон” ва “Наъмунали томорқачи” кўкрак нишонлари бериш бўйича тегишли тавсияномаларни ўрнатилган тартибда тақдим этади.

17. Мониторинг натижасида томорқа ер участкаларида туман ҳокимининг прогноз кўрсаткичлар тўғрисидаги қарорида тупроқ-иқлим шароити ва сув таъминотидан келиб чиққан холда белгиланган экин турлари ҳамда мевали ва манзарали дарахтлар экилмаганлиги, чорва моллари сотиб олинмаганлиги, иссиқхона барпо этилмаганлиги, шу жумладан ер участкаси ободонлаштирилмаганлиги аниқланса, ишчи гуруҳ томонидан ушбу Низомнинг 6-иловасига мувофиқ огоҳлантириш хати жойида тайёрланади ва унинг бир нусхаси тегишли деҳқон хўжалиги бошлиғи ёки томорқа ер эгасига берилади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ-3318-сон қарорининг талаблари тушунтирилиб, камчиликларни бартараф этиш учун бир ҳафталик муддат белгиланади.

Огоҳлантириш хатидаги муддат тугагандан сўнг ишчи гуруҳ томонидан деҳқон хўжалиги бошлиғи ва томорқа ер эгасининг манзилига бориб, йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилганлиги назорат тариқасида қайта ўрганилади. Ўрганиш натижасида илгари йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилмаган бўлса, бир кун муддатда бу ҳақда Кенгашга хабарнома киритилади. Кенгаш томонидан туман ҳокимлигига хабарнома ва огоҳлантириш хатлари илова қилинган ҳолда маълумот тақдим этилади.

18. Туман ҳокими Кенгаш раиси билан биргаликда ҳар чорак бўйича кейинги ойнинг 15 санасигача томорқа ер участкаларидан асоссиз равишда самарасиз фойдаланганлик ҳолати юзасидан:

а) томорқа ер эгасига жорий йил учун ҳисобланган ер солиғининг уч баробари миқдорини қўллашни сўраб туман давлат солиқ инспекциясига тақдимнома киритиш, бунда томорқа ер эгасига нисбатан йил давомида кўпи билан бир марта тақдимнома киритилади;

б) деҳқон хўжалигига нисбатан ер участкасига бўлган ҳуқуқини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиш бўйича чоралар кўрилади.

19. Туман давлат солиқ инспекцияси томонидан томорқа ер эгасига жорий йил учун ер солиғи бўйича имтиёз бериш ёки ҳисобланган ер солиғининг уч баробари миқдорини қўллаш тўғрисидаги тақдимнома беш кун муддатда кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинади.

6-боб. Яқунловчи қоида

20. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан
самарали фойдаланишни ташкил этиш ва
мониторингини юритиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1- илова

Томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини юритиш

С Х Е М А С И

Босқичлар	Тадбирлар	Масъуллар	Муддатлар
1-босқич	Хонадонма-хонадон юриб томорқа ер участкалари майдонлари, тупроқ-иқлим шароити ва сув таъминотидан келиб чиқиб экин турлари, мевали дарахтлар тури ва сони, чорва моллари ва паррандалар сони шунингдек, уларнинг йил давомида томорқа ер участкасида (эртаки, ўртаки ва тўксонбости) етиштириладиган маҳсулот турлари ва сотиш ҳажмлари ҳамда иссиқхона барпо этиш, чорва моллари ва парранда боқишга бўлган аҳоли хоҳишини ўрганиб чиқиш.	Томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш ҳолатини ўрганиш бўйича туман ишчи гуруҳи	ҳар йили декабрь-январь ойларида
2-босқич	Ўрганиш натижаларини фуқаролар йиғини кесимида умумлаштириш ва туман ҳокимига тақдим этиш.	Туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши	ҳар йили 10 февралгача
	Тақдим этилган маълумотларни ўрганиб чиқиш ва томорқа ер участкалари кесимида етиштириладиган экин ва маҳсулот турлари, уларни сотиш ҳажмлари, шунингдек, иссиқхоналар барпо этиш, мевали ва манзарали дарахтлар экиш ҳамда чорва моллари, паррандалар сотиб олиш прогноз кўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳамда Халқ депутатлари туман кенгашига тасдиқлаш учун киритиш.	Туман ҳокими	ҳар йили 15 февралгача
	Туман ҳокими қарорини Халқ депутатлари туман кенгаши сессиясида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.	Халқ депутатлари туман кенгаши	ҳар йили 20 февралгача
	Халқ депутатлари туман кенгаши сессиясида тасдиқланган туман ҳокимининг прогноз кўрсаткичлар тўғрисидаги қарори нусхасини тегишли дехқон хўжаликлари бошлиқларига ва томорқа ер эгаларига уларнинг олганлигини тасдиқловчи имзо кўйдириш орқали етказиш.	Сектор раҳбарлари ва фуқораларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари	ҳар йили 1 мартгача
3-босқич	Томорқа ер участкаларидан фойдаланишда юзага келаётган муаммо ва камчиликларни мунтазам ўрганиш ва тегишли маълумотларни тайёрлаб туман ҳокимига тақдим этиш.	Туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши	ҳар йили мавсум давомида
4- босқич	Томорқа ер участкаларида етиштирилган маҳсулотлар, шунингдек, боқиладиган чорва моллари ва паррандаларнинг аниқ ҳисобини юритиш мақсадида экинлар ва маҳсулотларнинг ҳажми, шундан, сотилган, экспорт қилинган ва ички истеъмол учун қолган микдорлари тўғрисида туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига маълумот тақдим этиб бориш.	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари	мавсум давомида ойда бир мартаба

5-босқич	Томорқа ер участкаларида етиштирилган маҳсулотлар ҳажми, шунингдек, ички истеъмолдан ортиқча қисмини сотиш юзасидан туман ҳокимлигига маҳаллалар кесимида маҳсулот ҳажмлари кўрсатилган тақдимномалар киритиб бориш.	Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши	мавсум давомида ойда бир мартаба
6-босқич	Деҳқон хўжаликлари бошликлари ва томорқа ер эгаларидан харид қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини турлари бўйича туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, туман қишлоқ хўжалиги ва туман сув хўжалиги бўлимларига маълумот тақдим этиб бориш.	Улгуржи истеъмолчилар	ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасигача
7-босқич	Туман ҳокимининг прогноз кўрсаткичлар тўғрисидаги қарорини томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжалиги бошлиғи томонидан бажарилишини хонадонма-хонадон юриб мониторингини олиб бориш.	Томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш ҳолатини ўрганиш бўйича туман ишчи гуруҳи аъзолари, сектор раҳбарлари	ҳар йили мавсум давомида
8-босқич	Мониторинг натижасида экин ерларидан мақсадли ва самарали фойдаланиб, туман ҳокимининг прогноз кўрсаткичлар тўғрисидаги қароридан белгиланган экин турларини тўлиқ эккан, агротехника тадбирларини ўз вақтида сифатли бажарган, йилига камида икки ёки уч марта юқори ҳосил олган ҳамда томорқани ободонлаштирган, чорва моллари ва паррандаларнинг бош сонини сақлаган ва кўпайтиришга эришган томорқа ер эгасига ер солиғини камайтирувчи коэффициент қўллаган ҳолда имтиёз бериш тўғрисида туман ҳокимига таклиф киритиш.	Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши	ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 15-санасигача
9-босқич	Томорқа ер участкаси эгасига жорий йил учун ер солиғи бўйича имтиёз бериш юзасидан туман давлат солиқ инспекциясига тақдимнома киритиш. “Меҳнатқаш деҳқон” ва “Наъмунали томорқачи” кўкрак нишонлари бериш бўйича тегишли тавсияномаларни ўрнатилган тартибда киритиш.	Туман ҳокими, Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши	ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 15-санасигача
10-босқич	Мониторинг натижасида томорқа ер участкаларида туман ҳокимининг прогноз кўрсаткичлар тўғрисидаги қароридан тупроқ-иклим шароити ва сув таъминотидан келиб чиққан ҳолда белгиланган экин турлари ҳамда мевали ва манзарали дарахтлар экилмаганлиги чорва моллари сотиб олинмаганлиги, иссиқхона барпо этилмаганлиги, шу жумладан, ер участкаси ободонлаштирилмаган ҳолатларда ишчи гуруҳ томонидан огоҳлантириш хатини жойида тайёрлаш ва тегишли деҳқон хўжалиги бошлиғига ёки томорқа ер эгасига унинг бир нусхасини тақдим этиш.	Томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш ҳолатини ўрганиш бўйича туман ишчи гуруҳи	ҳар йили мавсум давомида

11-босқич	<p>Огоҳлантириш хатидаги муддат тугагандан сўнг деҳқон хўжалиги бошлиғи ва томорқа ер эгасининг манзилига бориб, йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилганлигини назорат тариқасида қайта ўрганиш. Ўрганиш натижасида илгари йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилмаган бўлса, бир кун муддатда бу ҳақда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига хабарнома киритиш. Кенгаш томонидан туман ҳокимлигига хабарнома ва огоҳлантириш хатлари илова қилинган ҳолда маълумот тақдим этиш.</p>	<p>Томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш ҳолатини ўрганиш бўйича туман ишчи гуруҳи</p>	<p>ҳар йили мавсум давомида</p>
12-босқич	<p>Томорқа ер эгасига жорий йил учун ҳисобланган ер солиғининг уч баробари миқдорини қўллашни сўраб туман давлат солиқ инспекциясига тақдимнома киритиш, бунда томорқа ер эгасига нисбатан йил давомида кўпи билан бир марта тақдимнома киритилади;</p>	<p>Туман ҳокими, Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши</p>	<p>ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 15-санасигача</p>
13-босқич	<p>Томорқа ер эгасига жорий йил учун ер солиғи бўйича имтиёз бериш ёки ҳисобланган ер солиғининг уч баробари миқдорини қўллаш тўғрисидаги тақдимномани кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилиш.</p>	<p>Туман давлат солиқ инспекцияси</p>	<p>беш кун муддатда</p>

Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер
участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил
этиш ва мониторингини юритиш тартиби
тўғрисидаги низом
2-илова

Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида етиштириладиган
маҳсулот турлари ва сотиш ҳажмлари, иссиқхона барпо этиш,
чорва моллари ва паррандани боқишга бўлган хоҳишини
ўрганиш натижаси юзасидан
МАЪЛУМОТНОМА

_____ тумани _____ (маҳалла, овул)да яшовчи фуқаро (деҳқон хўжалиги бошлиғи) _____ (Ф.И.О.) хонадони (ер участкаси)нинг умумий ер майдони _____ га, шундан _____ га иморат, _____ га очик майдон, _____ дона кўп йиллик дарахтлар, _____ бош қорамоллар, _____ кўй-эчкилар, _____ бош парранда мавжуд.

Хонадон эгаси билан суҳбатлашиш жараёнида 20__ йилда қуйидаги сабзавот, полиз маҳсулотлари экилиши таклифи олинди:

1. Эртаки (эртапишар) экинлар: жами _____ га, шундан _____ га пиёз, _____ га карам, _____ га полиз, _____ га картошка, _____ га сабзи, _____ га помидор, _____ га бодринг, _____ га кўкат, _____ га редиска, _____ га кулупнай.

Эртаки экинлар ўртача ҳосилдорлиги – 200 га/ц.

2. Ўртаки (ўртапишар) экинлар: жами _____ га, шундан карам, _____ га полиз, _____ га картошка, _____ га бақлажон, _____ га булғор қалампири, _____ га сабзи, _____ га помидор, _____ га бодринг, _____ га пиёз, _____ га.

Ўртаки экинлар ўртача ҳосилдорлиги – 250 га/ц.

3. Тўқсонбости экинлари: жами _____ га, шундан _____ пиёз, _____ га саримсоқпиёз, _____ га кўкат, _____ га.

Ўртаки экинлар ўртача ҳосилдорлиги – 200 га/ц.

4. Мевали дарахтлар: жами _____ туп, шундан гилос, _____ туп олма, _____ туп нок, _____ туп шафтоли, _____ туп ўрик, _____ туп беҳи, _____ туп ёнғоқ, _____ туп хурмо, _____ туп анор, _____ туп анжир, _____ туп узум.

Ўртаки экинлар ўртача ҳосилдорлиги – 150 га/ц.

Ўз эҳтиёжи учун _____ тонна, ички бозорга _____ тонна, экспортга _____ тонна.

5. Чорва моллари ва парранда: ҳозирги вақтда _____ бош қорамол, _____ бош кўй, _____ бош эчки, _____ бош товук, _____ бош қуён мавжуд. _____ га майдонга озуқа экинлари экилиши режалаштирилган.

2018 йилда _____ бош қорамол, _____ бош парранда кўшимча боқиш истагини билдирди.

Фуқаронинг ҳисоб-китобига кўра _____ бош қорамол учун _____ минг сўм, _____ та товук учун _____ сўм маблағ талаб этилмоқда. Ўз ҳисобидан _____ минг сўм.

Банк кредити олиш истаги бор (йўқ) _____

Бир нусхасини олдим _____

ИМЗО

_____ қарорига асосан томорқадан самарали фойдаланилмаганда ёки юқоридаги экинлар экилиши таъминланмаганда _____ жарима сифатида қўлланилиши тушунтирилди.

ИМЗО

Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали
фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини юритиш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-илова

_____ туманида ишчи гуруҳ аъзоси томонидан томорқа ер участкаларида етиштирилган маҳсулотлар ҳажми мониторингини
юритиш бўйича 20__ йил _____ ҳолати бўйича маълумотнома

т/р	Дехқон хўжалиги, томорқа ер эгаси (Ф.И.О.) (хонадон тартиб рақами)	Маҳсулот тури	Етиштирилиши лозим бўлган маҳсулот ҳажми (тн)	Амалда етиштирилган маҳсулот ҳажми (тн)		Етиштирилган маҳсулотнинг ишлатилиши			
				ҳафтада	мавсум бошидан	ойла эҳтиёжи учун	шартнома асосида сотиш учун	бевосита бозорда чакана сотиш учун	қолдиқ
<i>a</i>	<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>	<i>6</i>	<i>7</i>	<i>8</i>	<i>9</i>
1									
2									
3									
4									
5									
6									
Жами									

Изоҳ: Маҳсулотларнинг тишиб етилишига кўра, ҳар ҳафтада туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига маълумот тақдим этиб борилади.

Ишчи гуруҳ аъзоси

(имзо)

Ф.И.О.

Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан
самарали фойдаланишни ташкил этиш ва
мониторингини юритиш тартиби
тўғрисидаги низомга
4-илова

_____ туманида улгуржи истеъмолчи ташкилотлар томонидан дехқон хўжаликлари бошлиқлари ва томорқа ер эгаларидан харид қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турлари бўйича 20__ йил _____ ҳолатига кўра маълумот

т/р	Дехқон хўжалиги, томорқа ер эгаси (Ф.И.О.) (хонадон тартиб рақами)	Маҳсулот тури	Шартномалар		Тўланиши зарур бўлган бўнак миқдори (минг сўм)	Амалда тўланган бўнак (минг сўм)	Амалда топширилган маҳсулотлар		Охирги ҳисоб- китоб учун ҳисобланган (минг сўм)	Шундан	
			ҳажми (тн)	суммаси (минг сўм)			ҳажми (тн)	суммаси (минг сўм)		тўлангани (минг сўм)	тўланиши зарур бўлгани (минг сўм)
<i>a</i>	<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>	<i>6</i>	<i>7</i>	<i>8</i>	<i>9</i>	<i>10</i>	<i>11</i>
1											
2											
3											
4											
5											
6											
Жами											

Изоҳ: Ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасигача туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига ва туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига маълумот тақдим этиб борилади.

Улгуржи истеъмолчи ташкилот раҳбари

(имзо, муҳр)

Ф.И.О.

Дехқон хўжаликлари ва томорқа
ер участкаларидан самарали фойдаланишни
ташкил этиш ва мониторингини юритиш
тартиби тўғрисидаги низомга
5-илова

_____ туман ҳокимига

**Томорқа ер эгасига жорий йил учун ер солиғи имтиёзини қўллаш юзасидан
ТАКЛИФ**

_____ тумани _____ М.Ф.Й. нинг _____ қишлоғида
(овулда) яшовчи _____ томорқа ер эгаси томонидан 20__ йилда ёки
(20__ йилларда) __ га ер участкасидан самарали фойдаланиб, икки (ёки уч)
маротаба _____ экин турларини экиб, _____ тонна
ҳосил етиштирган.

Бундан ташқари, __ га иссиқхона барпо этган, __ дона (мевали
ва манзарали – *керагининг тагига чизилади*) дарахтлар эккан, __ бош қорамол,
__ бош қўй, __ бош эчки, __ бош товук, __ бош ўрдак, __ бош курка, __
бош ғоз, __ бош цесарка, __ бош бедана, __ бош туякушларни сотиб олган
(ўз ҳисобидан ёки банк кредити асосида – *керагининг тагига чизилади*).

Шунингдек, __ га ер участкаси ободонлаштирилган.

Юқоридагиларга кўра, қонун ҳужжатларига мувофиқ томорқа ер эгаси
фуқаро _____ га нисбатан солиқ имтиёзини
қўллаш масаласини кўриб чиқишингизни сураймиз.

_____ туман фермер, дехқон хўжаликлари
ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси
М.Ў.

/имзо/

Ф.И.О.

201__ йил “__” _____

_____ тумани

Дехқон хўжаликлари ва томорқа
ер участкаларидан самарали фойдаланишни
ташкил этиш ва мониторингини юритиш
тартиби тўғрисидаги низомга
6-илова

ОГОҲЛАНТИРИШ ХАТИ

201__ йил “__” _____ тумани, “_____” М.Ф.Й.

Ишчи гуруҳ аъзоси (Кенгаш ходими) _____ ва худудга бириктирилган давлат солиқ ходими _____, туманнинг _____ худудида яшовчи томорқа ер эгаси (деҳқон хўжалиги бошлиғи) _____ ни томорқа ерларига бориб экин ер участкасидан самарали фойдаланиши аҳволини ўрганиб, қуйидагилар:

томорқа ер эгасининг (деҳқон хўжалиги бошлиғи) таклифига асосан тасдиқланган прогноз кўрсаткичларда кўрсатилган __ га экинларни ҳамда __ дона (мевали ва манзарали-керагининг тагига чизилади) дарахтлар экмаган, __ га иссиқхона барпо этмаган, __ бош қорамол, __ бош қўй, __ бош эчки, __ бош товук, __ бош ўрдак, __ бош курка, __ бош ғоз, __ бош цесарка, __ бош бедана, __ бош туякушларни сотиб олмаган (ўз ҳисобидан ёки банк кредити асосида – *керагининг тагига чизилади*), __ га ер участкасини ободонлаштирмаганлиги аниқланди. Мазкур камчиликларни 10 кунлик муддатда бартараф этишингизни, акс ҳолда Сизнинг __ га ер участкангизга ҳисобланган _____ сўм ер солиғининг уч баробари миқдоридан ундирилиши ҳамда деҳқон хўжалиги билан ер участкасига бўлган ҳуқуқининг бекор қилиниши тўғрисида **ОГОҲЛАНТИРАМИЗ**.

_____ Туман фермер, деҳқон хўжаликлари
ва томорқа ер эгалари кенгаши

/имзо/

Ф.И.О.

_____ туман (шаҳар) давлат солиқ
инспекцияси ходими

/имзо/

Ф.И.О.

Томорқа ер эгаси

/имзо/

Ф.И.О.

/огоҳлантиришнинг юқориги қисми деҳқон хўжалиги, томорқа ер эгасига берилади, пастки қисми _____ тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашида қолади/

Томорқа ер эгасининг (деҳқон хўжалиги бошлиғи) таклифига асосан тасдиқланган прогноз кўрсаткичларда кўрсатилган __ га экинларни ҳамда __ дона (мевали ва манзарали-керакисини тагига чизилади) дарахтларни экмаган, __ га иссиқхона барпо этмаган, __ бош йирик шохли моллар, __ бош майда шохли моллар, __ бош қўй, __ бош товук, __ бош ўрдак, __ бош курка, __ бош ғоз, __ бош цесарка, __ бош бедана, __ бош туякушларни сотиб олмаган (ўз ҳисобидан ёки банк кредити асосида – *керакисини тагига чизилади*), __ га ер участкасини ободонлаштирмаганлиги тўғрисидаги ҳолат 201__ йил “__” _____ куни аниқланган.

_____ Туман фермер, деҳқон хўжаликлари
ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси

/имзо/

Ф.И.О.

_____ Туман Давлат солиқ инспекцияси ходими

/имзо/

Ф.И.О.

Мазкур _____ томорқа ер участкасидан, _____ деҳқон хўжалиги еридан таклифим асосида қабул қилинган қарор ижросини таъминлашим тўғрисида огоҳлантириш хатини олдим. Белгиланган муддатда камчиликларни бартараф этмасликнинг ҳуқуқий оқибатлари тушунтирилди.

Томорқа ер эгаси

/имзо/

Ф.И.О.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 18 мартдаги
205-сон қарорига
2-илова

**Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларига қишлоқ хўжалиги
экинларини жойлаштириш, экиш ва парваришлаш, шунингдек, зарур
моддий ресурсларни етказиб берилишини мувофиқлаштирувчи
республика ишчи гуруҳи
ТАРКИБИ**

1. Мирзаев З.Т. - Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари,
Республика ишчи гуруҳи раҳбари
2. Нарбаева Т.К. - Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари –
Хотин-қизлар қўмитаси раиси, *Республика ишчи гуруҳи
раҳбари ўринбосари*
3. Мамутов Р.А. - Сув хўжалиги вазирлиги бош бошқарма бошлиғи
4. Қирғизбоев Ф.Д. - Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи
5. Асомов Д.Д. - Иқтисодиёт вазири ўринбосари
6. Тошқулов А.Ж. - Адлия вазири ўринбосари
7. Каримов А.Р. - Молия вазири ўринбосари
8. Мухитдинов Э.М. - Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи
ўринбосари
9. Турсунов Н.Т. - Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари
10. Рузметов М.И. - Давергеодезкадастр қўмитаси раиси ўринбосари
11. Икрамов А.А. - Давлат статистика қўмитаси раиси ўринбосари
12. Анарбоев М.Т. - Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер
эгалари кенгаши раиси ўринбосари
13. Махмадалиев Б.Х. - Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раиси
ўринбосари
14. Жавлонов Ш.С. - Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари
фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика
кенгаши раисининг биринчи ўринбосари
15. Бозоров Т.Ш. - Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба
уюшмаси республика кенгаши раиси ўринбосари
16. Исмоилов А.С. - Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси
бош бошқармаси бошлиғи
17. Тоғаев Б.М. - Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги,
қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта
ишлаш масалалари АТД бош мутахассиси, *Республика
ишчи гуруҳи котиби*

Изоҳ: *Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу
лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функцияларни
бажариши юкланган шахслар киритилади.*



Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 18 мартдаги
205-сон қарорига
3-илова

**Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларига кишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, экиш ва парваришлаш,
шунингдек, зарур моддий ресурсларни етказиб берилишини мувофиқлаштирувчи Республика ишчи гуруҳи аъзоларига
бириктирилган худудларнинг
РЎЙХАТИ**

Т/р	Худудлар номи	Худудларга бириктирилган вазирлик ва идоралар	
		Ф.И.О.	лавозими
1	Қорақалпоғистон Республикаси	Турсунов Н.Т.	Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари
2	Анджон	Тошқулов А.Ж.	Адлия вазири ўринбосари
3	Бухоро	Каримов А.Р.	Молия вазири ўринбосари
4	Жиззах	Мухитдинов Э.М.	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари
5	Қашқадарё	Мамутов Р.А.	Сув хўжалиги вазирлиги бош бошқарма бошлиғи
6	Навоий	Рузметов М.И.	Давергеодезкадастр қўмитаси раиси ўринбосари
7	Наманган	Бозоров Т.Ш.	Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши раиси ўринбосари
8	Самарқанд	Анорбоев М.Т.	Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси ўринбосари
9	Сурхондарё	Икрамов А.А.	Давлат статистика қўмитаси раиси ўринбосари
10	Сирдарё	Асомов Д.Д.	Иқтисодиёт вазири ўринбосари
11	Тошкент	Исмоилов А.С.	Ички ишлар вазирлиги Хуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси бошлиғи
12	Фарғона	Жавлонов Ш.С.	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши раиси биринчи ўринбосари
13	Хоразм	Қирғизбоев Ф.Д.	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи